



Осмон туни билан одамларнинг кайгу-хасратларини тинглай-тинглай, ўксиб-ўксиб, юлдузларини кўз ёши мисол дув тўкиб адо килди-ю, ранги бўзара бошлади. “Куёш чиккунига қадар бу шўрликларнинг ахволи не кечар экан, кўриб олай”, деган мақсадда биргина юлдузини қолдирди.

Йигиталининг кўзи шу юлдузда. Ёнида икки ўгли, супанинг у четида хотини ухлаб ётибди. Хозир улар ҳам уйғонишади. Хотини билан кичик ўгли бошок тергани жўнайди. Каттаси бугун ҳосилотникида ишлашга буюрилган. Ўзи эса қурук тўрвани елкасига осиб, ёғоч оёгини дўкиллатганича подани хайдаб кетади. То қоронғигача ҳовли елкасидаги тўрваси қаби бўм-бўш, хувиллаб туради.

Госпиталда оёгини кесган доктор унга “ёғоч оёқда кўп юрма”, деб тайинлаган. Кишлоққа қайтгач подачилик қилишини билганида бундай демасмиди... Хозир ким ёнбошлайди – ҳамма оёқда. Яхшики, тун бор – оёқларни узатиб ётиш мумкин. Бўлмаса, одамнинг бели кўрпача искамай, оёқ оёқ бўлганига пушаймон еб юрармиди.

Йигитали кесилган оёгининг зиркираб оғришидан уйғониб кетдимми ё кўрган тушидан чўчиб уйқуси бузилдимми, аниқ билолмади. Яримта оёгини эҳтиётлаб силаб, бу тун кўрган тушини эслади: замбарда уч боланинг мурдаси эмиш. Учқови очликдан тарашадек қотган – қурук суюқнинг ўзи. Мурдаларнинг тепасида Рамазон - урушда бир ушқоқни бўлишиб еган кадрдони. Йигиталига хўмрайиб қараб турганмиш. “Болаларимдан хабар олмадинг, ана энди уларни ўз ёнимга чакириб олдим”, дермиш. “Сен... сен... ҳалок бўлибмидинг?” деб ажабланармиш Йигитали. Рамазон эса жавоб бермасмиш. Ана шунда... замбардаги болалар ирғиб ўринларидан туришиб уни қучоқлашиб олишганмиш. Рамазон эса улардан узоклашаётганмиш. Йигитали дўстини тўхтатмоқчи бўлармишу, аммо юролмасмиш...

Кўрган туши – шу. Замбардаги уч боланинг ўлигини кеча ўнгида, пода қайтаётганда кўрган эди. Икки аёл, бир эркак замбардаги уч жасадни қабристонга элтишаётган эди. Эркак – Камбар чўлоққа кишлоқ ахли гўрқовлик вазифасини юклаган. Лаҳад қавлашни билмайман, деб рад этмоқчи бўлганида бу баҳонаси ўтмаган. Хозир қоидасини келтириб гўр қазийдиган, мурдани ювиб, қафанлайдиган замон эмас. Ювишга-қу, ювилади, бироқ, қўлга илинган мато билан қафанланиб, кейин тупроққа топширилса бас. Юзига тупроқ тушмаса, эрта-индин саёқ итлар қавлаб еб кетмаса бўлгани. Чўлоқлиги инобатга олинмаса кишлоқда тўрт мучаси соғ эркак – шу Камбар. Раис ҳисобга қирмайди. У одам эмас, у – раис! Ўзининг қаричи билан ўлчанса гуноҳкор бандалардан юқори туради. Мулки Фиръавникидай бўлмаса-да, у ҳам ўзини шу ернинг худосидай ҳис қилади. Фақат унга сизиниб, намоз ўқилмайди. Бошқа жихатлари Фиръавнинг ўзи: айтгани -

айтган, дегани - деган! Одамлар Худодан кўркишмайди, Худо рахмдил, шафкатли, гунохимизни кечар ёки кўрса ҳам кўрмаганга олар, деб мархаматидан умид килишади. Аммо раисдан умид йўк: кечирмайди, аямайди. Унинг бошка эркакларга кўшилиб урушга жўнамагани сабабини ҳеч ким билмайди. Эхтимол Худо “шу кишлокдаги бандаларимни эзиб, конига ташна килиб юборасан”, деган вазифа юклар олиб колгандир. Агар чиндан шундай бўлса биров унга: “Хой инсон боласи, кишлокда эркак зотини кўриб турибсан, эллик етти арслон урушга кетиб иккитасигина кайтди. Шуларнинг биттаси оёксиз, биттаси эса кўр. Хотинлар гўрковлик килса уят-ку! Камбар чўлокка ёрдам бер, ё гассоллик кил”, деб кўрсин-чи!?

Хуллас, аввал гўрковликни, кейин эса гассолликни ҳам бўйнига олишга мажбур бўлган Камбар чўлок кеча окшомда кетмонини елкага ташлаб, замбарнинг олдида шох ташлаб келарди. Икки аёл оркада – икки ён туткичдан тутган. Камбар чўлок кадам ташлаганда замбар дам у ён-дам бу ён кийшаявериб, аёлларни анча уринтириб кўйган.

Йигиталини кўргач, замбарни ерга кўйишди. Аёллар мук тушиб ўтириб, нафас ростлашди. Камбар чўлок Йигиталига якинлашди:

-Бошок тераётган еримдан чакириб келишди. Уччовининг бараварига жон берганини кара,-деди у, Йигитали билан омонлашгач.

-Кимнинг болалари булар?

Йигитали жанггоҳда ўлимларни кўравериб дийдаси котиб кетган. Лекин замбарда катор ётган, устига эски латта ташланган болаларни кўриб, хўрлиги келди, томогига нимадир тикилди. Уруш пайти ўлса майли эди, бомба тагида қолиб ўлса майли эди, куршовда қолиб ўлса ҳам майли эди. Энди-чи? Уруш тугаганига бир йил бўлди. Болаларнинг очдан ўлишига кандай чидаш мумкин?

Уруш тугаганига бир йил бўлди... Багрини корга бериб ётганида, оловга кирганида... галабадан кейинги кунларни шундай тасаввур килармиди? Очлик, кашшоклик – уруш дарахтининг аччик мевалари. Демак, дарахт хали куригани йўк. Хали бу мевалардан кўп-кўп тотиб кўришади...

-Биттаси Зебиники, анави – ямок рўмоллиси, Сотволдининг хотини, сендан бир хафта олдин кетган эди, эсингдами? Кани, носдан ол-чи... Эридан ёдгор эди бола бечора. Асрай олмади-да...-Камбарали чўлок Йигитали узатган носдан отиб, кафтини коқди.-Биттаси Халиманики, Эшкўзининг хотини. Кишлоқда биринчи корохат шу хотинга келган эди. Бу иккинчи боласини Эгамга топшириши.

-Учинчиси кимники?

-Зарифа шаддодники. Шодивойнинг хотини,-Камбар чўлок “Йигитали тўрт йил урушда юриб хаммани унутворган”, деб билармиди, хар холда биров хакида гапирса батафсил изох беришни сира кўймасди.

-Ўзи кани?

-Иситмада алахсираб ётибди. Боласининг ўлганини билмай ҳам колди,-огзи тупукка тўлиб гапиришга кийналгани учун Камбар чўлок носни тупурди-да, бўйнига ташлаб олган чорсининг учи билан лабини артди.-Азоб бўлганда болаларга азоб бўлди. Увол кетишяпти бечоралар. Дунёга келиб азобдан бошка нарсани кўришмади. Ўликлари тозарок кафан кўрса ҳам майли эди, шунисига куяман.

-Шунчалик оч экан, айтишса бўлмасмиди?

-Кимга? Раисгами? Вой, ундан кўра Эгамдан иймон, сўра, беради. Аслида сен раис бўлишинг керак. “Коммунизм”га янги раис сайлашибди. Урушдан келган Воисовни эшитганмисан? Биттагина медали бор экан. Сенинг иккита орденинг бор, сен раис

бўлишинг керак. Бу битта менинг гапим эмас, одамлар шунака дейишяпти.

-Йўк ердаги галвани кавламаларинг. Менга “раис бўласан”, деб орден беришибдими? Урушдаги хизмат урушда қолиб кетди. Раислик менинг кўлимдан келмайди. Ундан кўра хамма йигилиб раисдан сўрасин, икки кунгина бўлса хам бошқонни ўзимизга тирайлик. Камбар чўлок бу гапни эшитиб, бош чайкади.

-Билмадим-ов... кеча адирга чикиб Гулжахонни камчилади. Боласи уч кун кетма-кет “барака” бошқон топган экан. “Сен бригадирлигингни пеш қилиб бошқалар топган “барака”ни хам болангга ёздиргансан”, дейди нодон. Ўртага тушсак хам кўнмайди, даюснинг боласи. Инсофи йўклар хам бор-да, қайси бир қорақуянинг кўзига Гулжахон бойиб кетгандай, тўйиб кетгандай кўрингану раисга чаккан. Бечора дегин, шунака игво бўлишини кўнгли сезиб, боласи топган “барака” учун битта хам бошқон олмаган экан. Сен шу раисдан инсоф кутяпсанми... Ке, кўй уни... Молларинг бу ёгига уйини топиб кетади, сен менга қарайиб юбор. Қош қорайяпти, икки чўлок бир бўлиб кўмиб келайлик. Ўзимга қолса учқовини бир гўрга кўмаманми, деб турувдим, ақалли ўлганда яйраброк ётишин, юр.

Пода қишлоқ йўлида охиста кетмоқда эди. Бу ёги хавотирсиз. Камбар чўлок айтганидай қар бири ўз гўшасини топиб боради. Йигитали таёгини Зебига бериб, ўзи замбарнинг орқасига ўтди.

Хотинлар жим боришарди. Йиглашга уларда мадор, кўзларида ёш йўк эди. Уруш пайти аза очавериб, азадорга қўшилиб йиглайвериб кўз ёшлари қуриб кетган. Уларнинг жимлиги Йигиталини баттар азобга солди. Йиглашганда эди, фарёд уришганда эди, бу болаларнинг, бу бегуноҳларнинг ўлими Йигитали қалбини бунчалик тирнамас, бунчалар пораламасмиди...

Кеча ўнгида кўргани – бугун тушига кирди. Икки йил бадалида суянган биродари Рамазоннинг болалари бўлиб кўринди.

Йигитали тонгга банди бўлаётган осмондаги танҳо юлдузга тикилганича анча ётди. Оёгининг зирқираши сал босилди. Шу яқин ўртада от пишқирди. Сўнг туёқ овози эшитилди. Йигитали тирсагига таяниб қаддини кўтарди. “Ким бўлди бу?” деган ҳаёлда кўча томон тикилди.

-Гафлат босиб ётибсанларми!

“Раис-ку! Уйдан чаён чиқдими бу даюснинг, қаллаи сахарлаб изғиб қолибди?”

Йигитали шу ҳаёл билан ўрnidан турди. Ўгли тол навдасидан ясаб берган қўлтиқ ҳассага суяниб, отлик томон ҳаққалаб юриб борди.

-Гафлатинг нимаси, раис, ҳали тонг отгани йўк.

-“Коммунизм”да янги раис сайланибди, эшитдингми?

-Эшитдим...-Йигитали ўзича “Гап бу ёқда экан-ку?” деб қулимсираб қўйди. Қўшни қишлоқдаги жангчининг раис бўлганини Камбар чўлоқдан аввал хам бошқалар айтиб юришган эди. Гап айлана-айлана бу раиснинг қулогига ўзгача тарзда етганга ўхшайди.

-Раис бўлгинг қелиб қолдими?

-Шу ҳаёл уйқунгни бузибди-да, а? Амал илони тўшагингда тўлғониб тинчлик бермадимми? Чакки безовта бўлибсан. Раислигинг ўзингга буюрсин. Мен туя эмасманки, ҳаммомни орзу қилсам. Тирикчилигим шу “оши ҳалол” билан ўтиб турса, бас. Бунақа гапларинг билан ўзингни хам қийнама, менинг хам қаттигимни ачитма. Бор, бола, йўлингдан қолма.

Йигитали атайин “бола” деди. Раис ундан тўрт-беш ёш қичик бўлса хам гердайиб, сенсирарди. Йигиталига бу малол қелса-да, очик айтишга мулоҳаза қиларди. Хозир, ўрни қелганда, ёшини пеш қилиб қўйди. Бундан ўзи ҳузур қилди. Табиийки, бу

баландпарвозлик раисга ботмади. Йигиталида раисликка даъво йўқлигига ишонса ҳам, уни бир оз эзиб кўйгиси келди.

-Хаммомни орзу қилмайдиган туя туякашнинг ишига аралашмаслиги керак. Кўлингдан келса, колхозни ол, тебрат бешигини. Одамларинг бир кун давлатга, олти кун ўзига терсин бошокни. Хотамитой Йигиталининг даврида давронларини сурсин! Золим Сафаркулнинг даврида эзилиб адойи тамом бўлган эди. Олакол раисликни!

-Сен менга пичинг қилаверма, бола! Раис бўлсанг – ўзингга! Сендан кўркадиган жойим йўқ. Олсанг – шу таёқни оларсан. Одамга ўхшаб гаплашадиган бўлсанг, эгардан тушиб гаплаш. Отда туриб сасийдиган бўлсанг – йўлингдан колма. Омма, бола, олди-кетингга қараб иш тут, халқнинг қарғишига учрайсан. Одамлар икки кунгина ўзига бошок терса хирмонингга ўт кетмайди.

-Хў, акажон, бу бошоклар меники эмас, давлатники. Ўртоқ Сталинга топшираман бу донларни. Билдингизми, ўртоқ Ста-лин-га! Ё сиз ўртоқ Сталинга дон беришимизга қаршимиз?

-Бола дейман, сен гапни бошка томонга бурма. Биз ўртоқ Сталинга донгина эмас, жон ҳам берганмиз. Ўша жон берганларнинг етимларига энди нон керак. Хеч бўлмаса уларнинг ёдгорларини саклаб қолиш керак. Сен ўртоқ Сталиннинг номларини пеш қилаверма. Сен аввал ўз халқингни бок. Улар сенинг эртанги кунингга ярайди. Бу ерлардан эртага ҳам дон олишинг керакми? Ким экади, ким ўради, ким янчади? Силласи қуриган аёлларми? Эти устихонига ёпишган болаларми?

-Тилларинг бурро. Сен урушда милтиқ отганмисан ё гапга ўқиганмисан? Бошинг тўла гиж-гиж ақли дейман, а?

-Раис, йўлингдан колма. Худди энангни Учқўргоннинг қайикисидан кўрсатиб қўймайин.

-Ўх-хў, дўк ҳам қиладиларми хали! Ўпқангни бос. Урушга борганман, деб қерилаверма. Сен урушга борган бўлсанг, бу ердагилар қайиш укалагани йўқ. Биз сенларни бокдик, биз сенларни қийинтирдик. Оч-ялангоч холинг билан кўлларингдан нима келарди? Ўлсанг, бир ўк билан ўлардинг-кетардинг. Биз тўрт йил хар куни бир ўлиб-бир тирилганмиз. Бизда ҳам тил-забон бор, гапирсак арзийди.

-Тил-забонинг бор, биламан. Аммо сен ўзингни кунда бир ўлиб, бир тирилганлар қаторига қўшма, бола. Бизни қимлар боқиб, қимлар қийинтирганини биламиз. Улар оёққа хиром этик, эгнига галифе шиму кител қийиб отда гердаийб ўтирмайдилар. Кунда бир ўлиб, бири тириладиганлар ана, адирда чанг ютиб, қон тупуриптилар. Этлари қичишса, сен камчининг билан қашиб турибсан. Агар сен бир ўлсанг эдинг, бу кунларни бошка кўрмай деб, тирилмай қўя қолардинг. Қара-я, тўрт йил писиб юришингга фатво ҳам топибсан-да, ҳе, хезалак!!

Жаҳл қони қўпириб-тошган Йигитали шундай деб, от сагрисига қўлтиктаёғи билан уриб қолди. Таёқ қарс этиб синди, от қаттиқ қишнаб, сапчиди. Йигитали мувозанатни саклай олмай, ёнбошига гуп этиб йикилди. Раис бехос сапчиган от устидан учиб тушай деди-ю, бироқ ўзини ўнглаб олиб, қиловни қаттиқ тортиди. От яна бир қаттиқ қишнаб, тўхтади.

-Қўрамиз, қим қимнинг энасини кўрсатаркин!-раис шундай деб отни Йигитали томон бурди.

Уйғониб, эрқакларнинг гапига ҳавотир билан қулоқ солиб, уларга ўгринча қараб ётган Ойниса ирғиб ўрнидан турди-ю:

-Вой-дод! Эримни ўлдириб қўясиз!-деб бақирди.

Бу овоздан икки ўғил ҳам сапчиб турди.

-Ота, отажон!-деб бақирди, хали уйқуси ўчмаган қичик ўғли. Қаттаси эса бир-икки

сакрашда онасидан илгарирок бориб, отнинг йўлини тўсди.

-Кўркма, эринг ўладиган анойилардан эмас,-деди раис гижиниб.-Эрингга айтиб кўй: сен окибатсизларга кариндошлик килмаганимда хаммаларинг ётардиларинг... ётадиган жойларингда... хе, сенга гап ўргатганни...

Раис сўкина-сўкина отни буриб, нари кетди.

“Дарвоке, бу хунаса Ойнисага кариндош бўлгувчийди-я”, деб ўйлади Йигитали, ўглига суяниб ўрнидан турар экан.

-Нима бўлди, дадаси, нимага келибди?-деб сўради Ойниса, худди хеч нима билмагандай, хеч гап эшитмагандай.

-Бошок тергани вақтларок чикларинг, деб келибди меҳрибон кариндошинг...

Йигитали шундай деб гапни киска килиб кўя колди. Ойниса “Вой шўрим!” деб лаб тишлади-ю, супадаги ўринни йигиштира бошлади. Кейин сигир согди. Кейин бир косадан сут ичишди. Битта зогора нонни тўртга бўлиб ейишди - нонушталари шу бўлди. Ойниса энг кичик бўлакни ўзига олгани учун эри унга норози киёфада хўмрайиб караб кўйди.

-Нонингдан яна борми?-деди Йигитали ковогини очмай.

-Бор...-деди Ойниса, айбдор одамнинг овози билан.

-Зарифаникига кириб чик, хаста эмиш.

-Кеча окшом кирганман.

-Бугун хам кир.

-Хўп...

Ойниса эрининг авзойи бузуклигига раис билан бўлган можаро сабаб, деб ўйлади. Бир томондан у хак – тўпалон ховури хали кўтарилмаган эди. Лекин бошка томондан Йигитали тонг юлдузига караб ётгандаги хаёлини, карорини хотинига айтсамми-айтмасамми, деб кийналаётганди. Айтиш-ку, кийин эмас, аммо Ойниса хотинлигига бориб, “йўк, кўйинг”, деб колса, Йигиталининг кони кайнаб кетиши мумкин. У-бу деб юборса, кўнгилхиралик... У мана шундан безовта.

-Канча унинг бор, бирор тандир чикадими?- деб сўради Йигитали.

-Чикиб колар...

-Назирободга бориб келмасам бўлмайди.

-Майлингиз... Кузда бормокчи эдингиз-ку?

Ойнисанинг бундай осонгина кўниши Йигитали елкасидаги тоғни кулатди.

-Тушимга киряпти,-деди у чукур хўрсиниб.

-Ким, ўртогингизми?

-Бугун болаларининг ўлиги устида турганмиш.

-Тушда ўлик кўрсангиз, ўнгда тирик кўрасиз.

-Сен тушимни йўйиб, менга акл ўргатмагину айтганимни килавер.

-Майлингиз, дадаси...

Шу билан гап тамом. Кайси хотин эрига акл ўргатиб барака топибдики, Ойниса топсин. Йигитали ёғоч оёгини кийди. Хотини узатган чоракта нонни катта ўглининг халтасига солди:

-Бугун лойда ишлайсан. Коринни тўкламасанг, лой чакади,-деди.

Ойниса кенжаси билан Зарифаникига, ундан адирга кетди. Каттаси хосилотникига. Йигитали эса ёғоч оёгини судраб, кўчага чикди. Худди уни кутиб тургандай хонадонлардан жониворлар маъраб чика бошлади.

Йигитали Зеби яшайдиган уйга карамай ўтиб, орик сигирни хайдаб чиккан аёл каршисида тўхтади. Унинг саломига алик олди-ю, кўзини ерга тикиб:

-Бугун гал сизники,-деди паст овозда.

Аёл тушунмагандай Зебиникига караб кўйди. Кейин кўшни уйдаги фожиа хаёлини ёритиб ўтди-ю, шошилиб бош иргади-да:

-Вой эсим курсин, ха-я, тўгри, меники, меники...-деди.

-Агар бўлмаса... ўзингизни кийнаманг.

-Унака деманг, келинг, келаверинг...

Йигитали индамай нари кетди.

Унинг одати шу: ҳеч маҳал “оши халол!” деб бакирмайди. Подачилик килгани учун берсалар олади- бермасалар йўк. Баъзан халтаси курук кайтади. Баъзан бир неча сиким ун, беш-ўн курут ёки туршак... билан. Хонадонлар навбатма-навбат овкат килиб уни сийлашади. Йигиталининг вазифаси – навбат кимники эканини эслатиб туриш. Хар эслатганда садака сўрагандай эзилади. Аввалига айтмай, оч хам колди. Очликка чидаб хам юрарди, хамкишлоклари айбсителишди. “Ёвгон шўрвамизни назарга илмаяпсизми?” деб пичинглар хам килишди. Ўшандан бери хар куни эслатади. Гўё садака сўрагандай бўлади, эзилади. Аммо на илож!

Пода Йигиталининг оёғи огриётганини сезгандай, шошилмасдан юради. Хатто шайтонтабиат эчкилар хам югуришмайди. Худди эгалари туни билан бокишгану тўк коринга юриш эриш туюлаётгандай. Кишлокдан чиқаверишда Йигитали орик отда ўтирган йигитни, оркага мингашган кизни кўриб, тўхтади. Йигитнинг устида йўл-йўл бекасам чопон. Жуда янги бўлмаса хам, хар холда уринмаган, ямок кўрмаган. Кизнинг эғнида штапел кўйлак. Йигитали уларни танимади. Лекин уст-бошларининг ўзиёк уларнинг кимлиги, каёкка кетишаётганини англатди. Йигит – куёв, киз – келин. Устларидаги энгил ўзлариники эмас, колхозники. Раиснинг хонасида турувчи бу тўн билан кўйлак келин-куёвга факат бир кунгагина бериб турилади. Хозир келин-куёв кишлоқ советига – рўйхатдан ўтишга кетишяпти. Демак, бу окшом - тўй! Беш-ўн одам йигилади, дастурхонга озгина майиз-туршак кўйилади. Чойнакка олмачой дамланади. Йигиб-тергани бўлса бир тандир нон ёпар, чалпак пиширар, шўрва ёки мастава билан сийлар. Бўлмаса – йўк. Сен тўйда нон синдирмадинг, деб ким хам айб киларди?

Йигитали келин-куёвнинг максоди, борар манзилини билса хам, уларнинг саломларига алик олгач, кўнгил учун сўради:

-Ха, йигитнинг гули, йўлингиз бўлсин?

-“Хохладим”га кетяпмиз...

Куёвнинг овозида бахтиёрлик оханги бор эди. У колхознинг чопонини кийиб уйланаётганига хам хурсанд. Хурсанд бўлмай-чи?! Гап чопондами? Гап оркада ўтириб, белидан кучиб олган сулудда! Штапел кўйлак хаммага сигсин, бировга тор келиб колмасин, деб атайлаб каттарок тикилгани учун кизнинг нозик каддида худди илгичга илингандай шалвириб турибди. Бу киз ярашикли кийим кийса борми, бу йигит караб-караб тўймасов...

Йигит “хохладим”га кетяпмиз” дегач, киз худди гунохи ошкор бўлиб колгандай уялиб, бошини эғиб олди.

-Бахтларинг очилсин, йигитнинг гули. Саодатли бўлгин, кизим!-деди Йигитали уларни дуо килиб.

-Айтганингиз келсин, тога,-деди йигит мамнунлик билан.

-Кўша каринглар, ўгилларингга хам шунака сарполар буюрсин.

Йигитали бу ниятни беихтиёр айтиб юборди.

-Ие, тога, яхши нафас килинг,-деди йигит.-Ўгилларимиз ўзларининг куёв чопонларини

кийиб юришади, Худо хохласа.

Йигитали яхши кўнгилда айтган гапининг зил томони хам борлигини фахмлаб, изза чекди.

-Иним, мен хам шуни айтмокчиман-да. Сиз бўлакча тушунибсиз. Бу кунларни боглаб берибдими. Олдинда дорулзамонлар турибди. Худо шояд сизга берадиган фарзандни ризкли-насибали килиб, юртимизга хам кут-барака берса.

-Шундай кунларни кўрамиз, деб умид килиб юрибмиз-да, бу дунёда, тога. Омийн, айтганингиз келсин,-йигит шундай деб отнинг корнига оёги билан аста нукиб кўйди.

“Мен такдиримдан нолимасам хам бўлади,-деб ўйлади Йигитали, келин-куёв ортидан бир караб кўйиб.-Хар холда тўйимда энгил-бошим ўзимники эди. Дастурхонимга кўярли ноним бор эди. Бу кўргуликларимиз ўтар-кетар. Болаларимнинг бахти куладиган кунлар хам келар...”

Йигитали подани ўтган хафта ўтлатган ерига – сой бўйига хайдади. Бу ерларда кўкат бутунлай ковжирамаган. Нам ерларда ўт кўкариб турибди. Йигитали чилланинг иссигига чидмай жони узилган ўтларга караб Европанинг ўтлоқларини эслади. Шу ўтлоқлар бу ерларда хам бўлмайдими, сигирлар елини сутга тўлмайдими, кўчкорлар, букалар бўрдоки бўлмайдими...

То куёш тафти кесилиб, пода кайтадиган вақт бўлгунча Йигитали биродари Рамазоннинг хаёлида юрди. У кишлоғига кайтганидан бери Назирободга уч-тўрт марта отланди. Уни то шу пайтгача икки нарса ушлаб турар эди: биринчиси – биродарининг уйига курук кўл билан кириб боргиси келмасди. У шахид кетган бўлса, болалари зорикаётгандир, бир тишладан бўлса хам у-бу олиб борай, деб ният киларди. Иккинчиси – Рамазоннинг тирик ёки ўлик эканини аниқ билмаслиги. Яраланиб, йиқилганини аниқ билади. Уни дўзах ўтидан ўзи олиб чиқди. Энди нафас ростлайман, деганида сал нарида бомба портлагани, оёги жиз этиб куйгани хам эсида. Колгани ёдида йўк. Рамазон кайтмаган бўлса, демак снаряд парчаси унга хам теккан. Буни эшитишса уйдагилар: “Бомба портлаган экан, сен нимага тириксану у жон берди”, деб таъна килишмайдими? Юзига айтишмаса хам, уларнинг мунгли карашларидан шу маънони укмайдими?

Йигитали баъзан Назирободга хат ёзмокчи хам бўларди. Лекин “биродарим, тирикмисан?” деб сатр битишга кўли бормасди.

Мана энди, ниҳоят, вақти-соати етганга ўхшайди. Рамазоннинг болаларига атаб пича ун тўплашди. Биродари тирик кайтган бўлса у билан, йўкса, жигарлари билан кўришишнинг турли йўлларини хаёлан пишитди. Ўзини шу учрашувга рухан тайёрлади.

Пода тегирмон яқинидан ўтаётганида Йигиталининг димоғига ёқимли бир ис урилди. Оч кориннинг таталашига шу ис кифоя бўлди. “Ун тортишибди-да,-деб ўйлади Йигитали,-чалпакни ким пишираётибди экан?”

У подани тезлатиб ўтиб кетмокчи эди, боланинг овози келди:

-Йигитали тога, тўхтанг экан...

Йигитали оркасига ўгирилди. Тегирмон томондан дўнг ошиб бир бола югуриб келарди. Кўлида чалпак.

-Олинг экан, сизга,- деди бола хансираб.

-Кимники бу?- деб сўради Йигитали.

-Камбар тоганики.

-Ўзинг едингми?

-Хаммамиз едик.- Бола шундай деб кўлидаги чалпакка каради. Йигитали чалпакни олиб,

бир учидан синдирди-да, унга узатди:

-Ол, корнинг тўк бўлса ҳам ол, бўлмаса...-Йигитали кулимсираб, боланинг бурнини чимчилади,-киннанг киради, ол.

Бола “ноилож” чалпакни олди. Шу озгинагина чалпакни деб яхши одамга кинна кириши дурустмас-да...

-Камбар тоганга айт, бизникига кирсин. “Юмушлари бор экан”, де.

Бола “хўп” деганича изига кайтди. Тўрт-беш кадам юрмай, чалпакдан ўзига теккан улушни озига солди.

Йигиталининг кичиги оёқлари ёрилиб кетганидан кечалари инграб чиқаётган эди. Бугун бир ёгламасам бўлмайди, деб қарор қилиб Камбар чўлокни шунга айттирди. Елкасидан босиб турилмаса, каткалок ердай тилим-тилим бўлиб ёрилган товонга пиёздок кўйганда бола азобга бардош беролмай тўлғониб, сапчиб-сапчиб кетиши ҳеч гапмас.

Йигиталининг ўзи бу азобларни хўпам тортган. “Бунақа оёқнинг боридан йўғи яхши”, деб додлаган вақтлари ҳам бўлган. Ўшанда фаришталар “омийн” деб юборган эканми, этик қийиб Европанинг ярмини кезган оёқнинг биттасини ташлаб кайтди. Баъзан: “Кани эди, бир мўъжиза билан оёгим ўсиб чикса. Товонларнинг ёрилишига ҳам, кунда пиёздок босишларига ҳам рози эдим”, деб кўяди. Боласига пиёздок босишганда ўзининг азобларини эслайди. Шунинг баробарида бу азобларни ўткинчи деб билади. Ўглининг бу оёқлари бежирим пойабзалларни қияди, улуг шаҳарларда юради, деб ишонади.

Факат... улуг шаҳарларда юрганида кўрган бу азобларини ёдидан чиқариб юбормаса эди, деб хавотирланади. Одамзот яхши кунларга етса, кўрган-кечирганларини унутади баъзан. Унутдими, демак, кибрга ва нафснинг турли балоларига банди бўлади-колади. Яхши куннинг кадрига етиш, асраш учун ўтган ташвишли-тахликали кунларини эсдан чиқармаслик керак. Йигитали фарзандининг шундай улгайишини истайди.

Камбар чўлок кош қорайганда чорсисига иккита чалпак ўраб келди.

-Бугун ун торттирдим,-деди у, гўё пода қайтарда Йигиталини узокдан кўрмагандай, унга чалпак юбортирмагандай.

Олмакоки солиб дамланган чойдан кейин ўчоққа ўт каланди. Ёғ қиздирилди,пиёз қизартириб олинди. Сўнг кичик ўғлоннинг товонларига босилди. Ўғлоннинг чинкириги етти маҳаллага етди. Бундай чинкириклар қишлоқ учун янгилик эмас, шу сабаб ҳеч ким ахамият бермади.

Тонгда тандирга ўт ёқилди. Нон ёпилди. Нон иси таралди. Бунга ён-атрофдагилар бефарқ қарашмади. Йигиталининг сафарга отлангани хотинига маълум экан, бас, қишлоқ беҳабар қоларканми?

Нон иси таралиши билан гап тарқалди:

-Барақа топгур, шу холида урушда ўлган ўртогининг болаларидан хабар олиб келармиш.

-Хабар олгиси келса, ўзимизда бечора етимлар қамми, нонни бегона қилмаса ҳам бўларди...

Йигитали гаплардан беҳабар, у бўлажак сафарини, аниқроғи, Рамазон ёки унинг жигарлари билан учрашиш онларини ўйлайди.

Кетар чоғи Ойниса бир гапи билан унинг кўнглини оғритиб қўйди:

-Ноннинг ярмини сотсангиз, ўша томонлардан болаларга этик-петик олиб келардингиз...

“Ҳе, эси йўқ хотин,-деб ўйлади Йигитали,- мен нима гамдаю, сен нима гамдасан.

Этиксиз кун кўрса ҳам бўлади. Аммо нонсиз яшаш мумкин эканми? Ялангоёқ қолишмас болалар. Худога шукр, ўғилларнинг иккови ҳам шудли йигит бўляпти. Бу ёқда мен борман. Хор бўлишмас. Айтганман-ку, сенга, Рамазоннинг болалари кичкина. Каттасини



олти ёшда дерди. Демак, хозир саккиз ё тўккиздадир. Шуларни ўйламай... Ха, майли, онасан-да, она(!), ўз болангга куясан. Мен урушда ўлиб кетсаму Рамазон тирик кайтса, аллакачон сени йўклаб келарди. Сенинг бунака гаплар билан ишинг йўк... нодонсанда, нодон...”

Йигитали хайрлашар чоги бу гапларни хотинига хаёлан айтди.

У туни билан поездда йўл юрди. Тушадиган бекати кичик, поезд атиги уч дакикагина тўхтар экан. Шошилса ҳам аранг улгурди. Поезддан тушган уч-тўрт йўловчи таркалиб, бекатда Йигиталининг ёлгиз ўзи колди. “Одамлар бунча шошилмаса, Назирободга кандай боришни сўраб олишга ҳам улгурмадим-а!” деб гангиб турганда кимдир:

-Ха, иним, хаёлингиз паришонрокми?-деди.

Йигитали овоз келган томонга каради: супурги дастасига суяниб турган кария ундан жавоб кутаётган эди.

-Назирободга боришим керак. Каёкка боришни билмай, гарангман.

-Назирободгами?- Кария унинг ёгоч оёгига караб бош чайкади.-Бу холда етиб боролмассиз-ов. Йўл йирок. Пича кутинг, битта-ярим арава келиб колар.

Йигитали “иложим канча” дегандай елкасидаги халтани кўлига олиб, бир каватли кўкимтир бино деворига такаб ўрнатилган ўриндик сари юрди.

-Назирободда кимингиз бор, кариндошингизми?-деб сўради кария унга эргашиб.

-Биродарим...

-Биродарим? Ким экан у, балки танирман? Назирободликлар кўп келиб туришади бу ерга.

-Рамазон деганни танийсизми? Кирк учинчи йилнинг ўрталарида урушга кетган.

-Рамазонми?-Кария ўйланди.- Дўкончи эмасми?

-Урушдан олдин колхозда хисобчи экан. Урушдан кайтдимми ё йўкми, билмайман.

-Тўрт чакирим юрилса, Кизилкўприк деган сахарча келади. Ўша ердаги нон дўконда назирободлик одам ишларкан. Отини “Рамазон” дегандек бўлишувди.

-Уни ўзингиз кўрганмисиз, паст бўйли, бурни япалокрок.

Кария уни кўрмаган эди, бошка тайинли гап айтмади. Кизилкўприкка олиб борувчи йўлни кўрсатиб кўйди.

Шагал тўкилган ўйдим-чукур йўлдан юриш ит азобини берса-да, Йигитали чидади. У бир нарсадан хурсанд: биродари тирик! Бекатдаги серсокол гапни мужмал килгани билан Йигитали Кизилкўприкдаги дўкончининг айнан биродари Рамазон эканига ишонарди. Юраги шундай хитоб киларди: “Бу ўша – дўстинг Рамазон! У тирик! Сен уни жангда ўлим кўлидан юлиб олган эдинг. Энди у сени кутяпти. Шошил! Бу йўл нима экан, бундан баттарларида юргансан. Кани, юр... тезрок юр!”

Йигитали энди дўсти билан учрашадиган бахтиёр дакикаларни кўз олдига келтирди. Уйда эканида, бу томонларга талпинган кезларида бу учрашувларни минг хил кўринишда тасаввур этарди. Хозир уларнинг барчаси ўрнига янгиси хаёлига келди: ...дўсти уни кўра солиб, кучок очиб югуради...

“Жон жўражон, бор экансан-ку, йўлингга кўз тикавериб, кўзларим окиб тушаёзди,-дейди-да, махкам кучоклаб олади.-Жон жўражон, оёкни ташлаб келибсан-да, а? Тириклигингни билар эдим. Юрагим сезар эди. Канот чиқариб учгим келарди. Аммо илож кила олмадим, жон жўражон. Ношукр биродарингдан хафа бўлма”.

“Кўй бу гапларни,-дейди Йигитали.-Замонни кўриб турибман. Ўлмабсан, шунинг ўзи мен учун катта бахт. Дийдор киёматга колса нима килардик? Бундан буён борди-келди килмасак бўлмайди. Худо жонимизни бекорга кайтариб берган дейсанми? Болаларини

вояга етказиб, бахтини кўришсин, кейин икки биродар давру давронини сурсин, деб бу дунёда колдирган. Армонда кетганларнинг сонун саноги йўк-ку...”

Ширин хаёллар йўл азобини бутунлай четга сура олмас экан. Йигитали ёгоч оёгини кўтариб босишга безиллаб колди. Елкасидаги халта огирлик кила бошлади. “Тавба, нон хам огирлик килар экан-а,-деб кўйди ўзича Йигитали.-Тўрт чакирим девди, кўпрок йўл босдим шекилли? Шахарчасининг кораси кўринай демайди-ку?”

Йигитали якка кайрагочга етгач, халтани ерга кўйди. Бир кўнгли дам олмай юравергиси бор. Аммо оёк зириллаб: “Тўхтамасанг бир азоб берайки, онангдан тугилганингга пушаймонлар егин”, деб огохлантиряпти. У оёкларини узатиб ўтириб олиб, ёгочоёкни ечди. Шуни кутиб тургандай шабада эсиб, бир рохатланди, бир яйради. Яримта оёги ором олгач, яна рўдапо ёгочни кийиб, ўрнидан турди.

Шахарчага етиб боргач, нон дўконни топиши кийин бўлмади. Окланган деворига кўмир билан “Хлеб” деб ёзиб кўйилган кўримсизгина пастак бино олдида йигирмага якин одам навбат кутиб турибди. Йигитали дўконга якинлаша туриб Рамазонни кўрди! Аммо унга, талпинганига дафъатан рўпара бўла олмади. Рамазон бу онда жахл билан каттик-каттик гапирарди. Йигитали дўконга ён томондан якинлашиб, Рамазонга рўпара турган кампирни кўрди. Кампирнинг ёноклари бўртиб чиккан, рўмоли сиргалиб, елкасига тушган. Когоз тутган титрок кўлини Рамазонга узатган холда ялинарди:

-Ўзим оч колсам хам майлига. Боламнинг ёдгорлари туз тотмай ўтиришибди. Барака топинг, илойим болаларингизнинг рохатини кўринг.

Кампир гапини охирига етказа олмади. Рамазон унга караб яна бакирди:

-Йўк дедим-ку! Бувамникени кесиб бераманми сизга! Нон керак одам вақтликрок турмайдими!

-Вой, барака топгур, кеча хуфтонда келиб шу ерда тунаганман. Ноннинг келишини кутиб куни билан навбатда турдим-а...

-Бўлди, бўлди, конимга ташна килиб юбордингиз.

Рамазон шундай деб дераза копкогини сал кўтарди-да, тирговични олди. Навбатда турганлар кампирни четга тортиб қолишмаганда огир деразакопкок унинг бошини мажаклаши мумкин эди. Кампир дўкон очилиб, дўкондор: “Келинг, она, мен хазиллашдим, сиз учун топилади нон”, деб колармикин, деган илинжда деразакопкокка анча вақт умид билан тикилиб турди. Навбати етмаганлар, умидлари синиб, аста таркала бошлашди. Кимдир такдиридан нолиди. Кимдир дўкондорни каргади. Кампир нон олиш ҳуқуқини берувчи когозларига мунг билан тикилиб турди-да, уларни камзули чўнтагига солиб, дўкондан аста узоклашди. Беш-ўн кадам юриб, яна илинж билан оркасига ўгирилиб каради. Чорасиз кампирнинг бир-икки кадам босишидан Йигиталининг назарида замин зирилларди. Ўглининг (балки ўгилларининг) хажрида куйиб, адойи тамом бўлган бу она нон деб чинкириб турган набирасининг (балки набираларининг) олдида нима деб кириб боради? Бошини қайси тошга урсин бу она!

Кампирнинг огир кадамига ер чидолмади – титрай бошлади. Йигиталининг назарида шундай бўлди. У ахён-ахёнда уйғониб, шахару кишлокларни вайрон қилувчи зилзилаларнинг сабабини билмайди. Бу ҳақда ўйлаб хам кўрмаган. Бирок, ҳозир ер титрагандай туюлганида бунинг сабабини топгандай бўлди: одамларнинг бемехрликларига чидолмаган онда ер асабийлашиб, “дод!” деб титраса керак!

Йигитали бу ерга нима учун келганини унутди. Кампирнинг оркасидан бир оз караб турди-да, тез-тез юриб, унга етиб олди.

-Онахон, тўхтанг.

Кампир бехос эшитилган овоздан чўчиб, ўгирилди.

-Менга айтяпсизми?-деди хавотирланиб.

Йигитали “ха” ишорасини килиб, халтанинг огзини очди-да, иккита нон олиб, кампирга узатди.

-Онахон, олинг, болларга берасиз.

-Менгами?- Кампирнинг хайрати баттар ошди.-Бунга пулим етмайди, алмашадиган тузук-курук нарсам ҳам йўк.

-Бепул олаверинг.

-Бепул?

Кампирнинг тараддуди, ишончсизлиги Йигиталининг аччигини кўзгота бошлади. Энди у максadini қандай тушунтирсин? “Хамма нарсани пулга чакаверманг. Бу дунёда хали одамгарчилик деган фазилат бор, диёнат бор, инсоф, виждон... Агар булар кирилиб битган бўлса, киёмат бошланибди-да”, десинми? Бе, буларни тушунтиргунича... иккита нон деб икки соат лакиллаши керакми?

-Олинг, бўлмаса айниб коламан,-деди Йигитали ёлгон пўписа билан.

Кампир ишониб-ишонмай нонга кўл узатди. “Нахот бу ёруг дунёда шундай одамлар қолган бўлса? Ё бу одам эмас, фариштамикин? Менинг нолаларимни эшитиб, Худойим осмони фалақдан туширдимикин? Э, йўк, нолаларга тушадиган бўлса, қунда осмондан минг-минг фаришта ёгиши керак. Бу одам – яхши одам...”

-Майли, оламан, аммо... сиз шу ерда тура туринг. Бекорга олиб кетаверсам... садақа бўлади. Мен гадо эмасман. Шу ерда туриб турасизми?

Йигитали бакириб юбормаслик учун хўрсинди: “Одамларга ҳам яхшилик қил, ҳам нима учун яхшилик қилганингни обдон тушунтир”.

-Хўп, анави дўконда бўламан,-деди у гўнгиллаб.

Кампир энди анча илдам, анча дадил қадам ташларди.

Йигитали дўконга қайтиб, деразакопкокни тақиллатди. Ичкаридан: “нон йўк, тамом!” деган овоз келди. Йигитали яна тақиллатди. “Менга ҳам тинчлик керак, инсоф борми ўзи сизларда!” деган хайкирик эшитилди.

-Рамазон!-деб чақирди Йигитали.

-Ха, Рамазонман. Лекин нон йўк, тамом!

Йигиталининг аччиги чикди. У бундай учрашувни сира қутмаган эди. Агар бирон-бир фолбин унга йўлиқиб: “Биродаринг билан шу тарзда учрашасан”, деса шарт тилини сугуришга тайёр бўларди. Нима қилсин, умид дегани кўлга қўнаверадиган қуш эмас экан. Йигитали яна тақиллатганидан кейин деразакопкок аста кўтарилди.

-Қимсан?

-Йигиталиман...

-Яна қайси Йигитали?-Рамазон шундай деб бошини чиқариб уни кўрди-ю:-Йигитали?! Ёпирай, ростданми, ўзингмисан?!-деб тезгина копкокни ёпди. Дам ўтмай дўконнинг ён томонидаги пастак эшик очилди. Рамазон чиқиб, хали жахлдан тушмаган Йигиталини қучоқлаб олди. Йигитали учрашув умидида ўй сурганида биродарининг шундай қучоқлашини тасаввур қиларди. Лекин бу ҳолат айни дамда унга ҳузур бахш этмади.

-Оббо сен-ей, оббо, жўражон-ей! Қайси шамол учирди, а? Ие, оёқ қани? Ташлаб қелдингми? Чаток бўлибди. Қани, юр, ичкари қирайлик, кейин уйга ўтамиз.

Рамазон тинмай гапириб, уни дўкон ичига бошлади.

-Шу ерда ризқимни териб юрибман. Бола-чака Назирободда. Бу ерда ҳам биттаси билан никоҳдан ўтиб қўйганман. Назирободга раис бўласанми, дейишди. Хозир раис бўлиб

эсимни ебманми! Колхоз омборидаги сичконлар кўлтиктаёкда юрган бўлса...

Жўражонларга куллуқ, шу жойни эплаб беришди. Хў-ўш, корнинг очдир, а? Хозир, хозир, жон жўражон, аммо оёқ чаток бўлибди-да.

Рамазон гапира-гапира дераза остига бегона кўздан пана килиб яшириб кўйилган кутини очди. Йигитали аник кўрди: кути ичида ўн-ўн беш дона нон бор эди. Берилса, туну кун навбатда туриб, окибат ноумид кайтганларнинг ярмига етарди. Рамазон нондан биттасини олиб, пичок билан кесди. Кутининг ёнидаги халтачани титкилаб, бир парча гўшт, тўртта тухум чикарди. Шиша билан пиёлани каердан олганини Йигитали сезмай колди: унинг кўзи хамон кутида эди. Кутидан унга нон илинжида жавдираган кўзлар тикилиб тургандай эди.

Унинг нигоҳини Рамазон хам сизди: “Кўзи нонда, оч экан, бечора. Балки шунинг учун келгандир. Хали тирик ўлик бўлиб бўйнимга осилиб олмаса эди. “Сени куткарганман”, деб миннат килса, иккита нон бериб кутулиб кўя коларман. Иккита нон – хозир хаёт деган гап!”

-Кани, жўражон, учрашувимизни би-ир ювайлик. Хў-ўш, нима юмуш киялпсан?

-Подачиман.

-Ишинг юришмабди-ку, жон жўражон? Нима килмокчисан энди, ё шу атрофлардан иш кидирмокчимисан?

Чўккига интилиб, окибат боткокка ботган одам холига тушган Йигитали бўгик овозда буюрди:

-Кани, куй.

Рамазон ярим пиёла куйди.

-Тўлдириб, бакувват килиб куй.

Йигитали пиёлани бир кўтаришда бўшатди. Нонга хам, гўшт, тухумга хам кўл узатмади.

Рамазон ўзига хам куйди.

-Омон бўл, жўражон, келганингдан хурсандман. Кайтишингда эсимга сол, болларингга нон-пон бериб юбораман.

Бу гап Йигиталининг бўгзига ханжардек санчилди.

-Бу ёкка бер!

-Жуда томок такиллаб турган экан-да, а?

Йигитали Рамазоннинг хунук хиринглашига карамай, кўлидаги пиёлани тортиб олиб, кўтарди. Ичатуриб хотинидан ўпкалади: “борманг, деб туриб олсанг ўлармидинг! Сендака бўшанг хотиндан яна бормикин бу оламда?! Чўлок эринг бир ёкка бораман, деса индамай колаверасанми?..”

Унинг хаёлини деразакопкокнинг такиллаши бузди.

-Ким у, нон йўк!-деб бакирди Рамазон.

Ташкаридан аёлнинг: “Менга бир киши керак эдилар”, деган синик овози келди.

-Канака киши?

-Бир... оёқлари йўк...

-Сени сўраяпти шекилли?-деб ажабланди Рамазон Йигиталига караб, кейин гапни хазилга бурди:-Келмасингдан хотинлар йўклаб колишибди-ку, ёмонсан, жўражон, ёмонсан. Полшада хам битта жонон ишкингда маст бўлиб юрарди, а? Ўзинг хам карамадинг, менга хам илинмадинг, шунака хасислигинг хам бор эди...

Йигитали кампирнинг кайтиб келганини англаб, унинг гапларига парво килмай ўрнидан турди. Халтасини кўлига олди. Рамазон унга эргашиб, ташкарига чикди. Кампир бир жуфт хром этикни худди чакалок каби багрига босиб турарди.

-Барака топгур, шуни олинг, яхшиликларга кийинг...-деди кампир этикни узатиб. "Жўражон писмиккина бўлиб чайковчилик килиб юрибди шекилли",-деб ўйлади Рамазон. Кейин олдинга ўтиб, этикни кўлига олди: "Янгигина экан, бир-икки кийилган халос..."

-Канчадан бўлди, кампир?

-Сотмайман буни. Бу кишига олиб келдим. Нон бериб эдилар.

-Нон? Шу одамми?-Рамазон Йигиталига ажабланиб каради:-сен нон бердингми?

Йигиталининг вужуди титрай бошлаган эди. У Рамазонни болахонадор килиб сўкиши ҳам, таъна-дашномларга кўмиб ташлаши ҳам, хатто уриб колиши ҳам мумкин эди. "Хаммаси бекор. Бу мен ўйлаган одам эмас экан. На гапнинг, на калтакнинг фойдаси бор бунга. Мен Рамазонни оловдан олиб чикмаган эканман. Рамазон жангда ўлган экан. Бу менинг дўстим эмас, Рамазон киёфасига кирган шайтон..." Шу фикр уни барча гапу харакатлардан тўхтатиб колди.

Йигитали Рамазоннинг кўлидан этикни олиб, кампирга узатди:

-Ёгоч оёкка хром этик ярашмайди, онахон, бекор килибсиз, кани, юринг-чи...

Йигитали шундай деб, йўл бошлади. Беш-ўн кадам юргач, оркадан Рамазоннинг овози келди:

-Тезрок кайт, кутаман!

Йигитали кайрилиб карамади. Рамазон унинг изидан бир пас тикилиб турди-да, "эси борми, бунинг, келиб-келиб кампирга илакишадими?" деб гижиниб, дўконига кириб кетди.

Этикни багрига босиб олган кампир Йигиталига етиб олди. "Этик ўглиники бўлса керак. Ажаб дунё... хотирани ҳам нонга алмаштиришса...", деб ўйлади Йигитали.

-Онахон, нонни бекорга олдим, деб хижолат чекманг. Агар мумкин бўлса, уйингизда бир кеча тунай. Холдан тойганман. Бу ахволимда бекатга етиб боролмайман.

-Барака топгур, бир кеча минг кеча эмас, жойимиз бемалол.

Уйга боришгач, кампир майда тўгралиб куритилган кизил сабзидан чой дамлади.

-Халиги дўкондор танишингизми?-деб сўради кампир унга чой узата туриб.

Йигитали кутилмаган саволдан гангиб, дарров жавоб кайтармади.

-Йўк,-деди ниҳоят, бениҳоя бир ўкинч билан.-Биродаримни излаб келган эдим бу ерга. Шу одамдир деб ўйлабман. Энди билсам... у урушда ўлган экан. Уни куткариб коллмаган эканман...

Кампир бошка гап сўрамади.

Кампир хуфтонга якин нон дўконига навбатда тургани чикиб кетди. Эртасига кун ёйилганда хурсанд кайфиятда иккита нон кўтариб кайтди. Сабзи чой дамлаб Йигиталининг чикишини кутди. Чикавермагач, у ётган хона эшигидан мўралади. Мехмоннинг ўзи йўк, аммо халтаси ёстик ёнида турарди. Кампир уни "Бирор ёкка чиккандир", деб кутди. Мехмон пешинда ҳам, кечкурун ҳам кўринмади. Кампир халтани очишга ботинмади. Уч кундан кейин кичик набираси халтада нон борлигини айтгач, хайратдан донг котди.

...Йигиталини кишлокка кираверишда икки киши карши олди. Уларнинг иккови ҳам ораста кийинган, котмадан келган, харакатлари чаккон эди.

-Йигитали Султоналиев сизмисиз?-деб сўради ёшроги.

-Менман.

-Икки кундан бери каёкларда юрибсиз?

-Биродаримни излаб келдим. Кимсизлар, нега мени суриштириб колдингиз?

-Кани, юринг биз билан. Кимлигимизни борган ерингизда биласиз.

-Каёкка? Идорагами?

-Ха... идорага.

“Булар райондан келишган шекилли? Яна одамларнинг гапи тўғри келиб, мени раис килиб кўйишса-я? Э, йўк, барибир кўнмайман. Бир оёк билан колхозни эплаб бўларканми? Ажаб дунё... сендан сўраб ҳам ўтиришмайди-я...”

Ўша куниёк Йигиталининг “халк душмани” сифатида “фош килиниб”, камокка олингани хакида гап таркалди.

Раис одамларга икки кун давомида ўзлари учун бошок теришлари мумкинлигини эълон килди.

Орадан уч ой ўтиб Ойниса ўгил кўрди. Одамлар “хукуматнинг бу камогидан хеч ким тирик кайтмайди”, дейишгач, боланинг исмини “Ёдгор” деб кўйди.

Орадан роппа-роса бир йил ўтгач, Йигитали ёгоч оёгини дўкиллашиб уйига кириб келди. Кўксида – орден. “Раиснинг гаплари ёлгон экан-да, бўлмаса камокдаги одамга ҳам орден беришармиди?” деб ўйлади Ойниса.

Кенжатоининг исми Ёдгор эканини билиб, Йигитали аввал ранжиди. Кейин:

-Командиримга хат ёзмаганимда чиндан “Ёдгор” бўлиб қолиши хеч гап эмасди.

Бахонада мен командиримни топдим, охири жанг учун берилган орденни олдим. Улар мени ўлиб кетган деб юришган экан. Ажаб дунё-да, бу ўзи...-деди.

-Одамларнинг гапларига ишонмай, ўглингиз олти ойлик бўлгунича ҳам исм кўймаган эдим. Энди ўзингиз бошка от кўйиб беринг,-деди Ойниса.

Йигитали бир оз ўйланиб тургач, бош чайкади:

-Йўк, шу кунларимни эслатиб юради. “Ёдгор” бўлаверсин...

...Орадан олти йил ўтиб, кутилмаганда Йигиталига Рамазондан бир хат келди. Качондир “дўст” деб аталган инсон номини хотира кафанига ўраб, калб мазорининг туб-тубига кўмиб кўйган эди. Ўша “дўст” ўзининг тирик эканини билдириб хат ёзибди.

“Кадрдоним, жон жўрамга согинчли салом...”

“Кадрдон ошнанг борлигини олти йилда бир эслабсан, дурустсан, бола”, деб ўйлади Йигитали.

“...Мени ўлим чангалидан куткарган жўражонимни согингандан согиндим...”

“Согинсанг келмайсанми, йўкламайсанми, хе номард, тўрт мучанг соғ бўлса, мен дунёнинг нариги бурчагида яшамасам...”, хаёлига келган бу фикрни кувиб, Йигитали ўқишда давом этди:

“...Сени кўп эсламан. Кани эди, канотим бўлса-ю, учиб борсам, сени бағримга боссам. Аммо иложим йўк. Канотларим киркилган. Арзимаган бир неча минг сўмни деб азоб чекиб юрибман...”

“Худо жазойингни берибди-да, халкнинг каргиши осмонга учиб йўк бўлиб кетмайди, тупрокка сингмайди, шунга аклинг етмасмиди?”-деб ўйлади Йигитали.

“...Жон жўражон, бутун умидим сендан. Катта идораларга хат ёзиб, урушдаги хизматларимни айт. Командиримиз хозир катта ишда экан, унга хат ёз, мени химоя

килсин. Сен мени ўлимдан тортиб олган эдинг, бу ердан чикиб кетишимга ҳам ёрдам кил. Болаларим етим колмасин...”

Йигитали хатни ўкигач, ўйга толди. Кун бўйи ўтирса ҳам, турса ҳам хаёли Рамазонда бўлди. Аввалига “Охири харом тешиб чикибди-да”, деб ўйлади, аммо “Баттар бўлсин” деган хукмга келмади. Тушида олти йил аввалги манзарани яна кўрди:

...замбарда уч боланинг ўлиги эмиш. Уччови очликдан тарашадек котган – курук суякнинг ўзи...

...факат... аник эсида: Рамазон аввалги сафар мурдалар тепасида бўзлаб турган эди. Бу гал дўконидаги нон тўла кути устига ўтириб олиб хунук тиржаярмиш...

Хар йили бахорда бир суваб кўйилувчи супада ётган Йигитали кўзларини очди-ю, бўзара бошлаган осмонда ёлгиз колган юлдузни кўрди. Анчагача кимир этмай ётди. Кўрган тушини бирон бир нарсага йўймади. Куёш кўтарилиб, хамма ўз юмуши билан кетгач, кенжатоёи билан колди. Жўжахўрозни кувиб юрган Ёдгорнинг харакатларини кузатиб жилмайди. Сўнг кўлига калам-коғоз олиб командирига хат ёза бошлади. Хатга сўнги нукта кўйгач, елкасини босиб турган огир юкдан кутилгандай, кўнгли равшанлашди. Ёгоч оёгини дўкиллашиб почтахона томон юрар экан “ажаб дунё...” деб пичирлаб кўйди.